

Апрел 2018

48

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Kattaqo'rg'on shahar  
HOKIMI  
QARORI



РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
города Каттакургана  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.г. « 8 » август

№ 1518-8

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

“SAMKAT SAPFIR” маъмулияти чекланган жаъмиятига Каттакўрган шаҳар Ингичка кўргони кичик саноат зонаси ҳудудидан ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги ИҚ-3607-сонли “Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўрқин иқтисодий ва кичик саноат зоналари Самарқанд вилояти маъмурий кенгашининг 2018 йил 25 июлдаги №04-01/01 сонли йиғилиш баёни ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуinning 6-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўрқин иқтисодий ва кичик саноат зоналари Самарқанд вилояти маъмурий кенгашининг 2018 йил 25 июлдаги №04-01/01 сонли йиғилиш баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Самарқанд вилояти маъмурий кенгашининг 2018 йил 25 июлдаги №04-01/01 сонли йиғилиш баёнига асосан Каттакўрган шаҳар Ингичка кўргони кичик саноат зонаси ҳудудида жойлаштириш учун “SAMKAT SAPFIR” МЧЖнинг гипс боғловчи ишлаб чиқариш лойиҳа таклифлари маъқулданлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. “SAMKAT SAPFIR” МЧЖга гипс боғловчи ишлаб чиқариш корхонасини қуриш учун Каттакўрган шаҳар Ингичка кўргони кичик саноат зонаси ҳудудидан 0,50 гектар ер майдони ажратилсин.
4. “SAMKAT SAPFIR” МЧЖ (Х.Куйлиев) объект қурилиши учун лойиҳа ҳужжатларига буюртма бериш ва архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ) ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг қурилиш ишларини бошлаш топширилсин.
5. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Б.Кенжаев) ва шаҳар бош архитектори (О.Розиков)га “SAMKAT SAPFIR” МЧЖнинг лойиҳа бўйича архитектура талаблари ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам бериш ва қурилиш лойиҳа асосида боришини назоратга олиш топширилсин.
6. Шаҳар электр тармоқлари (Б.Рустамов), шаҳар “Сувоқова” ДУК (А.Мамедов) ва 4-сонли туманлараро ҳудудий газ таъминоти участкаси Каттакўрган шаҳар бўлими (Ш.Хайдаров)га ишлаб чиқариш лойиҳаси учун талаб этилган муҳандислик-коммуникация тармоқларини ўз вақтида техник шарҳлар бериш ва уларни таъминласин.

79

7. "SAMKAT SAFIR" MCHJ (X.Куйлиев):

лойихани тасдиқланган тармок жадвалига мувофик ўз вақтида амалга оширилиши ва ишга туширилиши:

ишлаб чиқариш қувватларига замонавий ва энергия тежамкор технологияларни ўрнатилиши:

инвестиция лойиха параметрлари бажарилишини, жумладан ишлаб чиқариш ва экспорт прогнозини бажариш ва янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаени.

8. Шахар хокимининг ўринбосари (М.Санаев) лойихани тасдиқланган тармок жадвалига мувофик ўз вақтида амалга оширилиши ва олинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши бўйича тизимли мониторинг ўрнатени ва зарур ҳолларда лойиха танаббускорига амалий ёрдам кўрсатени.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шахар хокимининг ўринбосарлари (И.Маматов, Б.Кенжаев, М.Санаев) зиммасига юклатилсин.

Шахар хокими



М.Хашимов